“O‘zbekiston MET” АЖ
Кузатув кенгашига ҳисобдор
Ички аудит хизмати бошлиғига

**ТАЛАБНОМА**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Бўш лавозим номи | Ички аудит хизмати раҳбари |
| 2. | Хисобдор | Кузатув кенгашига |
| 3. | Бевосита раҳбари | Кузатув кенгаши раиси |
| 4. | Назоратидаги бўлинма(хизмат)лар | Ички аудит хизмати аудиторлари |
| 4. | Вазифалари ва функционал мажбуриятлари | Ички аудит натижалари бўйича Жамият Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва Жамият фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш;<br>ички аудит давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тавсияларни Жамият Бошқарувига тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилиши устидан назоратни амалга ошириш;<br>барча акциядорларнинг, шу жумладан миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;<br>Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг ишончлилиги, тўлиқлиги, холислиги ва молиявий ҳисоботининг ишончлилигини баҳолаш.<br>Жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан ҳар йили тасдиқланадиган режага мувофиқ тегишли текширувлар ўтказиш йўли билан ички аудитни (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича) ўтказиш:<br>• тасдиқланган бизнес-режанинг бажарилиши;<br>• корпоратив бошқарув тамойилларига риоя қилиш;<br>• бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботнинг ҳолати;<br>• солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши ва тўланиши;<br>• молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчиликка риоя қилиш;<br>• активлар ҳолати;<br>жамият томонидан тузиладиган хўжалик шартномаларини уларнинг қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш;<br>бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тузишда Жамиятга услубий ёрдам |

| | | |
|---|---|---|
| | | кўрсатиш, молия, солиқ, банк ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳат бериш;<br>Жамият Кузатув кенгаши ва Бошқарувига техник вазифаларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ва баҳоловчи ташкилотларнинг таклифларини баҳолашда, шунингдек, аудиторлик текширувини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсиялар тайёрлашда кўмаклашиш;<br>Жамият Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини мониторинг қилиш; мўлжалланаётган йирик битим, Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган битим ёки Жамиятнинг аффилланган шахси билан тузилган йирик битим бўйича тавсияларни ўрганиш ва бериш;<br>Жамиятнинг ички назорат тизими ва Жамиятнинг компаниялар гуруҳи фаолияти мувофиқлиги ва самарадорлигини баҳолашни амалга ошириш;<br>Жамиятда ва Жамиятнинг компаниялар гуруҳида хатарларни бошқариш тизимининг самарадорлигини баҳолаш;<br>Жамиятда ва Жамиятнинг компаниялар гуруҳида қабул қилинган корпоратив бошқарув тамойилларининг жорий этилиши ва уларга риоя этилишини баҳолаш. |

## II. НОМЗОДГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Маълумоти | Олий, MBA даражасига эга бўлиш мақсадга мувофиқ |
| 2. | Мутахассислиги | Иқтисодиёт/Молия/Бизнес |
| 3. | Иш тажрибаси | Ички аудит хизмати раҳбари асосан халқаро компанияларнинг ички аудити соҳасида ва/ёки ташқи аудит соҳасида ва/ёки “Катта тўртлик” халқаро аудиторлик компанияларининг ички аудити, таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарув бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатиш соҳасида ва/ёки Энергетика соҳасидаги компанияларининг ички аудит хизматида камида 5 йиллик иш тажрибасига, шу жумладан 3 кишидан иборат жамоани бошқариш тажрибасига, Ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва ички аудитнинг халқаро профессионал стандартларини билишга, Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини, шу жумладан аудиторлик фаолияти, бухгалтерия ҳисоби, солиқ солиш масалаларини билишга эга бўлиши керак. |
| 4. | Махсус кўникмалар | ➤ Молиявий режалаштириш ва таҳлил усулларини, молиявий ва бухгалтерия ҳисоботи асосларини билиш;<br>ташкилотнинг молиявий-иқтисодий ва ишлаб чиқариш-хўжалик фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш;<br>бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш, молияни бошқариш ва солиқ солиш масалалари бўйича меъёрий ва услубий ҳужжатларни билиш;<br>✓ Компетентлилик, масъулиятлилик, профессионаллик; |
| 5. | Хоржий тилларни билиш бўйича | - Инглиз ва русс тиллари; |
| 6. | Компьютер саводхонлиги | Ишончли фойдаланувчи (1C, SAP (Ariba, S/4 HANA), MS office ва бошқалар.); |

## III. ҲАМКОРЛИК ШАРТЛАРИ

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Бандлик шакли (штатлари бирлигида) | Жамият жойлашган мазилдаги офисда, тўлиқ иш куни |
| 2. | Синов муддати | 3 ой |
| 3. | Хизмат сафарларига | Акциядор ва кузатув кенгашининг талабига кўра амалга оширилади. |

## IV. ҚЎШИМЧА ТАЛАБЛАР

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Сертификатларнинг мавжудлиги | ✓ Халқаро сертификатлардан бирининг мавжудлиги шарт:<br>➤ CIA (Certified Internal Auditor) сертификати;<br>ACCA (Association of Certified Chartered Accountants) сертификати;<br>✓ CIPA (Certified International Professional Accountant) сертификати;<br>✓ CPA (Certified Public Accountant) сертификати;<br>DipIFR (Diploma in International Financial Reporting) дипломи;<br>✓ DipCPIA (Certified Professional Internal Auditor) дипломи;<br>✓ CFE (Certified Fraud Examiner) сертификати;<br>➤ CISA (Certified Information Systems Auditor) сертификати;<br>✓ CISM (Certified Information Security Manager) сертификати |
| 2. | Шахсий фазилатлари | ➤ таҳлилий фикрлашнинг юқори даражаси;<br>✓ Натижага йўналганлик;<br>➤ Фикрлашнинг юқори тизимлилиги ва мослашувчанлиги, ишнинг изчиллиги;<br>✓ Юқори иш қобилияти ва натижага бўлган мотиватсия;<br>✓ Жамоа билан ишлаш қобилияти;<br>➤ Кўп вазифали режимда ишлаш; |
| 3. | Соҳалар | Энергетика; Нефть ва газ; Енгил/оғир саноат; |
| 4. | Қайси номзодлар кўриб чиқилмайди. | Юқоридаги талабларга жавоб бермайдиган |